



## **Ўзбекистон Республикаси Сirdарьо viloyati Hokimi**

### **Q A R O R**

“1“ ноябр 2008 йил

151 - сон

Гулистон шаҳри

#### **Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаментини ташкил этиш тўғрисида**

Вилоятда савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва маданиятини ошириш, истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ички истеъмол бозорини аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган истеъмол товарлари билан тўлдириш, иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида нақд пул маблағлари билан таъминлаш ҳамда савдо, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бу соҳада қабул қилинган ҳукумат қарорлари ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда бошқаришни самарали тизимини шакллантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 25, 27-моддасига мувофиқ

#### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида «Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти» (кейинги матнларда «Департамент» деб юритилади) ва унинг туман(шаҳар)лар вакиллиги ташкил этилсин.

2. Департаментнинг Низоми, таркибий тузилмаси 1-2 иловаларга мувофиқ тасдиқлансин ҳамда Департамент олдида турган вазифаларни бажаришда ихтиёрий равишда, шартнома асосида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича корхоналар таркиби 3-иловага асосан маъқуллансин.

3. Белгилаб кўйилсинки, Департамент ўз ваколати ва унга юклатилган вазифалар доирасида вилоят ҳудудида жойлашган мулкчилик шаклидан қатъий назар барча савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хўжалик субъектлари, барча бозорлар, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштиради.

4. Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаментига:

-вилоят аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, савдо хизмати кўрсатиш ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳаларига оид бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимининг қарорлари ижросини таъминлаш;

-аҳолини ун, ўсимлик ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир текисда, узлуксиз таъминлаш мақсадида ҳудудлардаги савдо корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари ва битимлар тузилишини ташкил этиш;

-ижтимоий соҳа муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш ва жойлаштириш;

-мавжуд барча бозорлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш;

-истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга хом-ашё ва бутловчи ашёларни харид қилиш ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш ва экспортга чиқаришга кўмаклашиш;

-вилоят аҳолиси учун нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда чакана савдога ажратилаётган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмларини шаҳар ва туманлар, савдо корхоналари кесимида белгиланган тартибда аниқланиши ва жойларга етказилишини ташкил қилиш;

-хўжалик юритувчи субъектларга улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи рухсатномалар, шунингдек, чакана савдо шахобчаларига алкоғолли маҳсулотлар сотиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

5. Департамент ўз фаолиятини қуйидаги асосий молиявий манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин:

-улгуржи савдо қилиш ҳуқуқи ҳамда алкоғолли маҳсулотлар чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимларнинг 5 фоизи,

- кўрсатиладиган маркетинг хизматлари учун вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган саноат, савдо корхоналари ҳамда улгуржи базалар томонидан шартнома асосида ажратиладиган маблағлар.

6. Вилоят молия бошқармаси (А.Тоғжиев)га департамент ижроия идораси ходимларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар сметасини тузиб вилоят ҳокимлиги тасдиғига киритиш ҳамда тушган маблағларнинг харажатлар сметасига мувофиқ мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

7. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (П.Сафаров), Статистика (З.Мамажонов), Марказий банк бош бошқарма (Б.Бекжанов)ларига департаментнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши ҳамда тегишли тижорат банкида ҳисоб рақамини очилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

8. Вилоят хокимининг уринбосари Б.Бўронов ишлар бошқарувчиси У.Абдиевларга бир ҳафта муддатда - Департамент фаолиятини йулга қуйиш билан боғлиқ булган барча ташкилий масалалар (зарур хона, тегишли жихозлар, алоқа билан таъминлаш)ни ҳал этиш вазифаси топширилсин.

9. Шахар ва туманлар хокимларига Департаментнинг шахар ва туман вакилларига хокимлик биносидан хона ҳамда зарур жихозлар, алоқа воситалари ажратилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

10. Департамент бошлиги лавозими, хизмат ваколатлари ва имтиёзлари буйича вилоят хокимлиги котибият мудирига тенглаштирилсин, унга вилоят хокимлиги билан келишилган ҳолда департаментнинг бошқарув тузилмаси ва штатлар жадвалига тегишли узгартириш ҳамда кушимчалар киритиш ҳукуқи берилсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят хоқимининг уринбосари Б.Бўронов зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳоқими**

**А.Жалолов**

**Вилоят ҳокимининг  
2008 йил « 1 » ноябрдаги  
151-сонли қарорига  
1-илова**

**Сирдарё вилояти ҳокимлигининг савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва истеъмол  
моллари ишлаб чиқариш департаменти  
Н И З О М И**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.**

1.1. Сирдарё вилоят ҳокимлиги «Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти» (кейинчалик матнда «Департамент» деб юритилади) Сирдарё вилоят ҳокимлиги (кейинчалик матнда «Муассис» деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 25,27-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 февралдаги «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ва уни ривожлантириш учун қулай шарт шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3722-сон Фармонига асосан савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича амалдаги қонунчилик талабларни ҳамда вилоят ҳудудидаги савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини яхшилаш, истеъмол моллари билан истеъмол бозорини тўлдириш мақсадида тузилди.

1.2. Департамент Сирдарё вилоят ҳокимлигининг мустақил таркибий бўлинмаси бўлиб, Давлат бошқарув органи ҳисобланади.

1.3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

1.4. Департамент қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.5. Департаментни тузишдан мақсад :

вилоят ҳудудида жойлашган савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, бозорлари, истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, вилоят аҳолисини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил этиш, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотлар билан ўзаро алоқада истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантиришдан иборат.

1.6. Департаментнинг юридик манзили Гулистон шаҳри Мустақиллик кўчаси 60 уй.

**II. ДЕПАРТАМЕНТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.**

Департаментнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

2.1.Ўз ҳуқуқ доирасига оид масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишларини ижросини таъминлаш.

2.2.Мулкчилик шаклидан қатъий назар савдо корхоналарига аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабини тўлароқ қондиришда, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларидан, шу жумладан биржа ва ярмарка савдоси тизими орқали товарларни танлов асосида улгуржи ҳаридини ташкил этилишида ёрдам бериш.

2.3.Мамлакатимиз бозори талабларини ички ишлаб чиқариш билан қондириш имкони бўлмаган импорт озиқ-овқат маҳсулотларини ҳарид қилишга ихтисослашган улгуржи савдо корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш.

2.4.Давлат таъминоти муассасалари ва корхоналарини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш ҳамда жойлаштириш.

2.5.Вилоят ҳудудидаги улгуржи савдо корхоналари, ихтисослаштирилган бозорлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш.

2.6.Истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга хом-ашё ва бутловчи материалларни ҳарид қилишда ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш ва экспорт қилишга кўмаклашиш.

2.7.Вилоят аҳолиси учун нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, тадбиркорлар ва чакана савдога асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари фондларини адолатли равишда амалга ошириш.

2.8.Хўжалик юритувчи субъектларга амалдаги қонунчиликга асосан белгиланган тартибда улгуржи савдо ҳамда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, алкогольли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари савдоси ҳуқуқини берувчи махсус рухсатномаларни белгиланган тартибда расмийлаштириш.

2.9.Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш ваколати юклатилган давлат идоралари, жамоа бирлашмалари билан мазкур йўналишда ҳамкорлик қилиш.

2.10.Савдо, хизмат кўрсатиш ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида рақобат муҳитини ривожлантириш, мазкур йўналишларга чет эл инвестицияларини жалб этиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиш.

2.11.Аҳолига савдо хизмати кўрсатишда илғор технология, шакл ва услубларни жорий этиш, кўчма савдоларни ташкил этишни такомиллаштириш, товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш борасида тадбирларни амалга ошириш, биринчи навбатда савдода бўлиши шарт бўлган маҳсулотларни сотувда бўлишини ҳамда маиший хизмат корхоналарида белгиланган тартиб қоидаларга риоя этилишини таъминлаш.

2.12.Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг конъюктурасини, бу маҳсулотлар бозори нархлари даражаси ва динамикасини ўрганиш, шунингдек савдо корхоналарининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатларининг йўналишларини тартибга солиб туриш.

2.13.Истеъмол товарлари ва хизматларнинг асосий турларига нарх мониторингини ўтказиб бориш.

2.14. Тегишли органлар томонидан ушланган ноқонуний озиқ овқат ва ноозиқовқат нонлариги нарх белгилашда иштирок этиш ва уни сотилишини назаротга олиш.

2.15. Давлат таъминотидаги муассасалар ва корхоналарга ажратиладиган озиқ-овқат маҳсулотларига ҳақ тўланишини ташкил этиш.

2.16. Корхоналар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида солиқ солиш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш.

2.17. Вилоятда қурилаётган ва мавжуд уй-жой мавзеларида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотларини жойлаштириш масалаларини кўриб чиқишда ўз таклифи билан иштирок этиш.

2.18. Вилоятда асосий озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг нархлари тўғрисидаги, озиқ-овқат захираларининг ҳажми тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, вилоят бўйича озиқ-овқат балансини тузиш.

2.19. Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари иш тартибини тасдиқлаш ва бу тартибга риоя этилишини назорат қилиш, қўчма савдоларни ташкил этиш учун жойларни белгилаш ҳамда ярмаркалар ўтказилишини ташкил этиш.

2.20. Истеъмол бозорини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш масалаларини тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

2.21. Тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун шароитлар яратиш, савдо ва ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳаларига инвестицияларни жалб этилишини рағбатлантириш.

2.22. Департаментга қарашли корхоналар фаолиятига раҳбарлик қилиш шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаш учун малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш.

2.23. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси иншоотлари ҳисобини юритиш.

2.24. Вилоят ҳудудида жойлашган спиртли ичимликлар ва пиво, заргарлик буюмлари ҳамда автотранспорт воситалари савдоси билан шугулланувчи иншоотлар дислокациясини юритиб бориш.

2.25. Департамент таркибига кирган барча мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятини шартнома асосида мувофиқлаштириш ҳамда уларга маркетинг хизматини кўрсатиш.

2.26. Аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабларини тўлароқ қондириш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан, шу жумладан биржа ва ярмарка савдолари орқали маҳсулотларни кўтара ҳаридини ташкил этиш, савдо корхоналарига кўмаклашиш.

2.27. Савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш фаолияти билан шугулланувчи корхона ва ташкилотларни меъёрий қонунчилик ҳужжатлари ҳамда йўриқномалар билан таъминлаш.

### **III. ДЕПАРТАМЕНТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

Департамент қўйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1. Департаментга қарашли бўлган ва шартнома асосида иш юритаётган корхона ва ташкилотлар фаолиятларини ўрнатилган тартибда мувофиқлаштириш.

3.2. Департаментнинг ҳуқуқ доирасига кирувчи масалалар бўйича, шу жумладан савдо ва маиший хизмат соҳасидаги корхоналарга нисбатан иқтисодий рағбатлантириш ҳамда чоралар кўриш юзасидан вилоят ҳокимлигига таклифлар тақдим этиш.

3.3. Вилоят озиқ-овқат захирасини шакллантириш, тақсимлаш ва бу мақсадлар учун ажратилган молия ресурсларидан унумли фойдаланиш юзасидан корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботини тинглаш.

3.4. Белгиланган тартибда хорижий ҳамкорлар билан биргаликда корхоналар, шунингдек муниципал савдо ташкилотлари, маиший хизмат корхоналари, истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар, озиқ-овқат, истеъмол моллари ва буюм бозорлари фаолиятини ташкил этиш.

3.5. Белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга улгуржи ва чакана савдо ҳуқуқини берувчи руҳсатномалар, шунингдек алкогольли ичимликлар, пиво ва тамаки маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи махсус руҳсатномалар беришни расмийлаштириш, маҳаллий йиғим ва тўловларни тўланишини назоратга олиш, аниқланган қонунбузарликлар асосида уларни ўрнатилган тартибда бекор қилиш, савдо ва хизмат кўрсатишда ноқонуний фаолият юритилиши сабабларини ўрганиш ҳамда унинг олдини олишга кўмаклашиш.

3.6. Савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини рационал жойлашишига, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга, савдо ва хизмат кўрсатишни амалга оширишнинг илғор шакллари жорий этишга ҳамда аҳолини талабини ўрганиш асосида истеъмол молларини ишлаб чиқаришга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан вилоят ҳокимлигига таклифлар киритиш.

3.7. Тизим таркибидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни белгиланган тартибда молиявий маблағ билан таъминланишини назорат қилиш, шунингдек уларга молиявий ресурслар, айланма маблағлар ва банк кредитларидан фойдаланишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш.

3.8. Шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушган маблағлар ҳисобидан хомийлик ва бошқа ташкилий ишларни амалга ошириш.

3.9. Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш мақсадида Давлат стандарти ташкилотлари билан биргаликда вилоят ҳудудида ишлаб чиқарилаётган истеъмол моллари, савдо ва маиший хизмат кўрсатишнинг сифати ҳамда маданиятини кўтаришда чора-тадбирлар белгилаш.

3.10. Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш доирасида қонунчиликнинг бажарилишини ташкил этиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини химоялаш ваколати юклатилган давлат идоралари, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш, истеъмолчиларнинг шикоят, ариза ва таклифларини кўриб чиқиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш учун белгиланган тартибда судларга мурожаат этиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари вилоят бирлашмаси билан биргаликда ўз вакиллари доирасида ваколатларини амалга ошириш.

3.11. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида очик ва ёпиқ тендерлар ташкил этишга ёрдам бериш.

3.12. Савдо, аҳолига хизмат кўрсатишдаги белгиланган тартибда ва қоидалар ҳамда қонунларга риоя қилиш, шунингдек сифатсиз маҳсулотлар ва сақланиш муддати ўтган маҳсулотлар савдоси юзасидан, қонунчиликда белгиланган тартибда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан

шуғулланувчи корхона ва ташкилотларда тегишли назорат қилувчи органлар билан ҳамкорликда қисқа муддатли текширишлар ўтказиш.

3.13. Давлат солиқ инспекцияси вакиллари томонидан барча савдо тармоқлари ва маиший хизмат кўрсатиш бўлинмаларида назорат касса машиналаридан фойдаланиш, белгиланган савдо, хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилиш аҳволи юзасидан мониторинглар олиб бориш.

3.14. Белгиланган савдо қоидалари бузилганлиги аниқланган ҳолларда руҳсат гувоҳномаларини белгиланган тартибда бекор қилиш учун хужжатларни расмийлаштириш.

3.15. Фаолиятда нуқсонлар ва камчиликларга йўл қўйган савдо, хизмат кўрсатиш ва истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мансабдор шахсларига таъсир ўтказиш зарурати ҳақида ваколатли органларга тақдимномалар юбориш.

3.16. Ғайриқонуний хизмат кўрсатиш ва савдо амалга оширилганлигини сабабларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш бўйича тегишли органларга тақдимномалар киритиш.

3.17. Ўзига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида қонунда белгиланган хужжатлар билан белгиланган тартибда бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

#### **IV. ДЕПАРТАМЕНТНИНГ БОШҚАРУВИ**

4.1. Департамент вилоят ҳокими томонидан тайинланадиган бошлиқ томонидан яккабошчилик асосида бошқарилади.

4.2. Департамент бошлиғининг ўринбосари Департамент бошлиғининг тавсиясига биноан вилоят ҳокими томонидан тайинланади.

4.3. Департамент штатлар жадвали бошлиқ томонидан ишлаб чиқилади ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади.

4.4. Департаментнинг ички меҳнат қоидалари, хизмат йўриқномалари Департамент бошлиғи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

4.5. Департамент бошлиғи:

-Департамент фаолиятининг умумий раҳбарлигини таъминлайди, департаментга юклатилган вазифаларни бажаришда вилоят ҳокими олдида шахсан жавобгардир;

-мансаб мажбуриятлари ва ходимларнинг хизмат мажбуриятларини белгилайди;

-ички меҳнат қоидаларини белгилайди, ижро ва меҳнат интизомига риоя қилишга доир чора-тадбирларни қўллайди;

-ўз ҳуқуқ доирасида департамент ва куйи корхоналар ходимлари учун мажбурий бўлган бўйруқлар қабул қилади;

-вилоят ҳудудида жойлашган, давлат улуши бўлган савдо, махсус савдо маиший хизмат, умумий овқатланиш, ишлаб чиқариш корхоналари ва бозорлар раҳбарлиги лавозимига номзодларни тавсия этади;

-Департамент номидан ишонч қоғозисиз иш олиб боради, мол мулкини тасарруф этади, шартномалар, шунингдек меҳнат шартномалари тузади, ишонч қоғозлари беради, банк муассасаларида ҳисоб рақамини очади, маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади, унинг номидан Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар олдида вакиллик қилади.



## **V. ДЕПАРТАМЕНТНИНГ МОЛИЯВИЙ МАНБАЛАРИ**

5.1. Департамент ўз фаолиятини қўйидаги молиявий манбалар ҳисобидан амалга ошириши белгилаб қўйилсин:

-улгуржи савдо ҳамда алкогольли маҳсулотлар чакана савдоси учун маҳаллий йиғимларнинг беш фоизи:

-Департамент билан ҳамкорлик шартномаси асосида фаолият кўрсатадиган саноат ва савдо корхоналари, қўшма корхоналар ва улгуржи базаларнинг ажратмалари;

-шартнома асосида кўрсатилган хизматлар ва амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа хўжалик юритиш фаолиятидан тушган тушумлар ҳисобидан.

## **VI. ДЕПАРТАМЕНТ ФАОЛИЯТИНИНГ ТУГАТИЛИШИ**

6.1. Департамент фаолиятининг тугатилиши вилоят ҳокимининг қарори ҳамда амалдаги қонунчилик асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.2. Департамент тугатилганда унинг барча активлари ва мол-мулки вилоят ҳокимлиги ихтиёрига ўтказилади.

6.3. Департамент тегишли равишда давлат реестридан чиқарилган қундан эътиборан унинг фаолияти тугатилган ҳисобланади.